

ЖАМОАНИНГ КАЙВОНИСИ

Биз бир маҳаллар Ёрмат домлани танимас эдик.

1984 йил ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетига ҳужжат топшириб, талаба бўлдик. Ўқув йилининг биринчи куни факультет раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари билан танишув маросими бўлиб ўтди.

Қомати тик, қошлари калин, сочини силлиқ қилиб тепага тараган, кузлари кулиб турувчи кишини факультет партия қўмитаси котиби (партком), доцент Ёрмат Тожиев деб таништиришди. Мен армия хизматини ўтаб келган талаба сифатида бироз хайикиброк қараб қўйдим. Чунки ҳарбий хизматда «замполит» (қўмондоннинг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари) қандай куч эканлигини кўрганман. Тўғри, ўша вақтларда

сиёсий нуқтаи назардан эмас, 20 ёшли олий маълумотсиз йигитнинг ички тасаввури даражасида билар эдим.

Хуллас, ўқишлар бошланиб, ҳали устозларни тулиқ таниб олишга улгурмай туриб, ўша замон сиёсати бўйича пахта теримиغا отландик. Биз 1-курс бўлганлигимиз учун факультет пахта штаби жойлашган урта бинога жойлашдик. Ўз-ўзидан сиёсий раҳбар, партия кўмитаси котиби Ёрмат Тожиёв пахта штаби бошлиги эди.

Биз энди Ёрмат домлани яқиндан таний бошладик.

Азалдан маънавият, сиёсатнинг асосий вазифаси — халкларни, миллатларни, жамоани бирлаштириш ва шу орқали мавжуд давр мафкура манфаатларини сингдириш ҳисобланган. Жамоани шакллантириш учун ўта тажрибали, уддабурон, жамоанинг ҳар бир аъзосини беш қўлдай танийдиган ва кўнглини биладиган раҳбар бўлиши керак. Бусиз кучли жамоани шакллантириб бўлмайди. Ёрмат акада эса бу фазилатлар жуда такомиллашган эди.

Одатда, талабалар 17-25 ёшлардаги йигит-қизлар бўлиб, инсон умрининг энг гуллаган, ўйин-кулгуни хуш кўрадиган палласи. Шунинг 2-3 ойи ўзлари кўникмаган пахта далаларида ўтади. Ўқишнинг 5 йиллигини ҳисобга олсак, ёшликнинг бир ярим йиллик палласига тўғри келар экан.

Ёрмат ака талабаларнинг теримдан кейинги вақтини қизиқарли ўтказиш, яхши дам олишлари учун бор куч ва тажрибасини сарфлар эди. «Талабалик — олтин даврим», деган ҳикматли қарашларга монанд иш олиб борарди. Кечки овқатдан кейин ўтказиладиган турли кўнгилочар тадбирлар ташкилотчиси сўзсиз Ёрмат ака ва Омонулла акалар булар эди. Улар факультетдаги профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг аҳил ва кучли жамоасини нафақат саклаб қолди, балки уни юқори босқичга олиб чиққан эдилар.

Эсимда, кечқурунлари пахта теримининг бориши тўғрисида университет штабининг йиғилишлари ўтказилар эди. Кўпинча ёшлар етакчиси сифатида камина ҳам Ёрмат ака

билан бирга борар эдик. Йигилишлар жуда жиддий ва совук руҳда утарди. Раҳбарият ва йигилиш аъзолари деярли миллий кадрлар, бироқ мажлис рус тилида олиб борилар эди. Уша йигинларда фақат Ёрмат ака ҳисоботлар ва берилган саволларга ўзбек тилида жавоб қайтарар эди. Мен дастлаб, устоз рус тилини билмаса керак, деб уйлардим. Кейинроқ сездимки, тилни билмаганиликдан эмас, балки ўз тилига бўлган чексиз ҳурмати учун шундай йўл тутар экан.

Юқорида таъкидлаганимдек, уша «совук ва жиддий» йигинларда «режани сузсиз бажаринг, терим суръатини оширинг, бўлмаса, кейинги сафар партия билетингизни стол устига қуясиз», — деган дағдағали гаплар буларди. Уша замонларда партия билетини стол устига қўйиш, партиядан учирилиш катта фожиа, улкан жиноят сифатида қаралар эди. Ачинарлиси, бу вақтда далаларда пахта тугаган, киш ўзининг қиличини яланғочлаб келаётган давр булар эди. Менинг пахтани қаердан териш керак, энди талабалар ярим кечагача майдонма-майдон юриб пахта ахтарадими? каби саволларимни уққандай, устоз: «Хавотир олма, улар айтаверади», деб жавоб берган эди (Ёрмат ака ўзидан кичикларнинг барчасини сенсираб гапирар эди. Бу рўпарасидаги одамни ўзига жуда яқин олганлигидан, уни жуда яхши қуришини аңлатар эди).

Мана шу ўринда улкан ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорнинг «Мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман», деган сузлари ёдга келади. Партиянинг талабларини кўр-курона эмас, ақлнинг кузи билан улчайдиган одамларнинг борлиги учун шундай кунлар бизга насиб этди.

Ёрмат аканинг яна бир бизга намуна бўладиган ҳислатларидан бири — унинг маҳаллийчилик ва миллатчиликнинг ёмон қуриши эди. Камина устоз билан 1984 йилдан то умрининг охиригача (вафотидан 2 кун олдин қуришган эдик) неча марта қуришиб, гаплашган бўлсак, бу одамда бирор марта бу иллатларни кўрмаганман ва эшитмаганман. Шундан бўлса керак, юртимизнинг қайси гушасига бориб, мен шу соҳада

ишлайман десам, агар соҳа вакили бўлса, э, Ёрмат ака, Омонулла ака юрибдиларми, соғликлари яхшими, деб, албатта сўрайди. Турли вилоятларда фаолият олиб бораётган факультетдошларимиз ҳам албатта, шу саволни беришади ва чексиз саломларини етказиб қўйишимни сўрашади. Қўринадики, яхши одам, албатта, эсланар экан.

Дарвоқе, Ёрмат ака ва Омонулла ака дўстлиги. Бу намуна бўларлик дўстлик эди. Улар худдики эгизаклардай бир-бирига талпиниб яшадилар. Иккиси ҳам гузаллик шайдоси эди. Ярим асрга яқин ҳар йили баҳор ойларида атайин Тошкентдан водийнинг мафтункор урикзорларига бориб, урик гулларини томоша қилиб келардилар. Тўғри, уларнинг атрофида яқин дўстлари, сафдошлари ҳам бўларди. Фақат улар мунтазам эмас, ҳар йили янгиланиб турар, барибир урик гули шайдолари ядроси Ёрмат ака ва Омонулла ака ҳисобланар эди.

Ёрмат ака ҳақида хотиралар ёзилаётган экан, сиз ҳам узок йиллардан бери домла билан бирга ишлагансиз, бирор парса қоралаб берарсиз, деганларида ўйланиб қолдим. Авваллари «яқин одамнинг ҳақида гапириш қийин» деган сўзларни қўйиб эшитар эдим, энди бир гап-да, деб қўяқолардим. Хотирани ёзиш асносида сарлавҳасини нима қўйсам экан, деб қўй ўйладим. Охири «кайвони» деган сифат ўзимга ёқиб қолди.

Факултетимизда авваллари ҳам кайвонилар қўй бўлган. Айниқса, бизнинг халқимизда кайвониларнинг ўрни катта. Биз маҳалла удумига ўрганган халқмиз. Ҳатто давраларнинг ҳам ўз жўрабошиси, яъни кайвониси бўлади. Улар мувозанатни посангига солиб туради. Тўю азада одамларни бирлаштиради. «Бир болага етти қўшни ота-она», — деган ҳикмат ҳам кайвонилар орқали амалга оширилади.

Бизнинг замондошларимиз, биз тенгилар ўртасида Ёрмат ака ва Омонулла акалар жамоанинг ҳақиқий кайвонилари эдилар. Улар нафақат факультетни бошқариш, балки жамоани бирлаштириб туриш, тўй-маракаларда баҳамжихат бўлишни ҳам уддасидан чиқар эдилар.

Эсимда, йиғинларга бориб қолсак, Ёрмат ака жамоанинг барча аъзоларини кузатиб турар, «фалончи кўринмайди, келганми?» келмаган бўлса, «тинчликмикан, нега келмадийкин?» деб обдон суриштирар эди. Куришиб қолганимизда оила, бола-чақа, ишлар хақида сўрар, «фалончининг йиғинида кўринмадинг, тинчликми?», деб суриштирар эди. Фалончининг йиғини аича олдин утиб кетган бўлса ҳам, Ёрмат аканинг эсидан чиқмас эди. Шунинг учун тадбирларга боришга, элга қўшилишга, ҳаммадан ҳам Ёрмат ака олдида ўсал бўлишдан уялиб, ҳамма ишни йиғинштириб, йиғинларда қатнашардик. Шундай одамлар кўп бўлса, халқ халқ бўлади, эл элчиликка айланади-да.

Устоз Омонулла Мадаевнинг бир гапи ҳеч эсимдан чиқмайди: «Ёрмат касал бўлиб қолди. Докторлар шифохонага ётмаса бўлмаслигини айтишди. Ёрмат эса: «Факультетдаги ишлар нима бўлади, уи ким бажаради?» – деб кузи жавдираб турибди. Охири ётқиздик. 15-20 кунлардан кейин чиқиб, ишга келди. Факультет жойида, жамоанинг кўпчилиги Ёрматнинг касалхонада ётганини ҳам билмаган, билганлари ҳам «Ёрмат ака, кўринмай қолдингиз?» деган савол билан чекланишди, ана оқибат. Сезиладики, бизнинг кўпчилигимиз бир-биримизга лоқайдмиз, бефарқмиз. Кайвонилар эса озчилик. Ана шу озчилик, кўпчилик ҳисобланган лоқайд, оқибатсиз бандаларни уйғотиб туради.

2010 йилларда бўлса керак, ана шундай лоқайд одамлар таълимни ёнпартириш керак, деган иддао билан айни илмда балоғат палласига етган, сархўш мевалар бераётган бир гуруҳ олимларни мажбуран меҳнат нафақасига чиқариб юборишга эришдилар. Улар орасида Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Ёрмат Тожиев, Улугбек Долимов ва бошқа устозларимиз бор эди.

Афсуски, уларга шунча йиллик меҳнатлари эвазига оддий раҳмат ҳам айтилмади. Энг таъсирли томони Ёрмат ака билан Улугбек ака ҳар куни соат 9⁰⁰ да университетга келиб,

соат 12 ларгача университет ховлисида ўтиришар экан. Улар нафакага чиққанларини оила аъзоларига айтишга ийманишган. Чунки улар ўз ҳаётларини университет учун, факультет учун тиккан эдилар.

Биз Ёрмат акани мураббий, заҳматкаш олим эканлигини билар эдик.

Ёрмат ака тилшунослик фанининг билимдонларидан бири эди. Биз атайин Ёрмат аканинг олимлиги, у кишининг тадқиқотлари, илмий мақолалари ҳақида тўхталмадик. Тадқиқотлар, илмий қарашлар вақтлар силсиласида янгиланиши, ўзгариши, ёки янги ғоялар соясида қолиб кетиши мумкин. Яхшилик, эзгулик, одамийлик абадийдир. Чунки булар Яратганнинг муқаддас китоблари орқали бандаларига тайинлаган каломларидир. Бу ҳислатлар мангуликка даҳлдор. Устознинг охиратлари обод бўлсин.

Дилмурод ХОЛДОРОВ,
Тошкент давлат Ўзбек тили ва
адабиёти фани доценти